

Миллий ўзига хосликлар хеч бир халқда бирданига пайдо бўлмаган ва бундай бўлиши мумкин эмас эди. Миллийликнинг тараккиёт йўли халкнинг босиб ўтган турмуш йўли билан тенгдош, яъни у асрлар давомида шаклланиб келган. Унинг шаклланиши текис, равон эмас, мураккаб, зиддиятли кечган. Миллий белги хусусиятларда ўсиш, емирилиш, кучайиш, камситилиш, тахкирланиш, янгиланиш ва улугланишлар содир бўлган. Халк мавжуд ва доим харакатда, меҳнатда, курашда, бошка эл-юртлар билан кандайдир муносабатда экан, унинг ўзигагина оид хислатлар, одатлар, туйгулар, хулк-атвор хам кўнилмалар тўхтовсиз ривож топа боради. Худди шу узундан-узок кечмишга миллат-элатларни биродарлаштирувчи халкчилликнинг, умумбашарий эзгуликларнинг тарихи хам деб карамок даркор. Зероки, халк характеридаги илгор жихатлар нечоглигик миллий тарзда ифодаланишларидан катъи назар, барча замонларда бегаразлигича колиб, эллар хамдўстлигига хизмат килади.

Халкнинг асл кўрки саналмиш хусусиятларни факат унинг ўз ичидага юз берадиган ходисалар деб тушуниш кўп вазиятларда тўгри, аммо бу дунё хамжамияти тараккиёти конунларига хилофрек ўйлаш ва масалани бирёқдама идрок этиш бўлиб чикади. Демак, таъбир жоиз бўлса, ўзига хослик ривожининг «ташки» томонлари хам бор. Хеч бир халк ўзича бикик ва бошкалардан ажralган холда яшай олмайди. Аксинча, улар билан иктисадий-маданий алоказа киришади. Хилма-хил алока ва муносабатлар миллатларнинг турмуши, онги, хатто урф-одатларига маълум таъсир килади. Миллий характерда умумисоний хислатлар, хусусиятлар вужудга келади. Илгор миллий туйгулар ўзга халклар кўнгли ва манфаатларига мос келувчи фазилатлар билан бойийди. Ўзбек халки хам асрлар давомида жуда кўп халклар билан, биринчи навбатда, Ўрта Осиёнинг бошка халклари, Козогистон, Якин-Ўрта Шарк хамда Россия халклари билан иктисадий-маданий алоказа бўлди. Бу алоказалар халкларнинг санъат ва адабиётида хам из колдириди.

Халклар миллий спецификасининг (демакки, умумисонийликнинг хам) кандай намоён бўлиши хар тузумнинг иктисадий, социал-сиёсий, маданий хаёт тарзига бодлик. Давр ва шарт-шароитнинг амалдаги тенденциялари, конун-коидалари миллийликка таъсирини кўрсатмасдан колмайди. Окибатда унинг таркибида, ўсиш, кенгайиш, чекланиш, тургунлашиш, равнак топиш, хуллас, хар турли ўзгаришлар рўй беради. Бошкачарок айтганда, замонлар унда ўзининг яхши-ёмон белгиларини, изларини колдиради. Ўз ўрнида миллийликнинг кўринишларига караб, бирор давр ва мухитни тарихан аник билиш, аниглаш, баҳолаш мумкин бўлади.

Хар хил зқадиятли жамиятларда мазкур жараён элу юрт бошкарувининг кандай йўлга кўйилганлигига караб, шу шароитига мос давом этди. Меҳнаткашларнинг олижаноб хислари, фазилатлари, пок ниятлари, курашчанлик туйгуси хукмдорларнинг каттиқ зулми ва каршилигига дуч келган замонлар бўлган. Кенг халк оммасини иктисадий колокликда, рухан пассивликда, жаҳолат ичидага, онгсизлик асорати доирасида саклашга тиришган мустамлакачиликлар бўлган.

Миллатчиликни ва реакцион гояларни миллий ифтихор хисси деб тарғиб килиб, халкни

чалгитишга, бемалол эзишга, миллатлар ўртасида келишмовчиликлар тугдиришга харакат килган сиёсатлар хам кўп ўтган. Шундай экан, дунёнинг миллий турмуши, маданияти, идеологиясига курашлар нуктаи назаридан каралсагина, тарихан объектив манзаралар кўзга ташланади.

Шу маънода халкларнинг хозирги кунгача етиб келган бутун олижаноб анъаналари, маънавий-маданий бойликлари мураккаб ва машаккатли тарихни бошдан кечиргандар. Прогрессив кишилик хамма вакт ота-боболарининг яхши ишлари, дард-ўйлари, умидларини асрash-аввайлаш йўлидан борган. Мозийнинг модаий-маънавий мероси, эзгу ниятлари, улугвор анъаналарини тан олмаслик илгор дунёкарашга мутлако бегонадир.

Инсониятнинг тарихий тараккиётига катта-кичик хар миллат ўзининг фан ва маданият бобидаги ютуклари билан улуш кўшади. Уларнинг жаҳон маданиятига кўшган хиссалари жуғрофий жихатдан чегара билмайди. Гап шундаки, айрим миллат тафаккурининг, ижодининг асл намуналари барча халкларни бирдай баҳраманд килади, бошқаларнинг хам маънавий бойлигига айланиб боради. Мафкуравий жихатдан эса маданий мерос мамлакатлардаги синф ва гурухларнинг хаммасига хизмат килавермайди. У ўзи кашф килинган юртдаги хар кандай миллатчи элементларга номувофик ва хатго карама-карши бўлганидек, ўзга миллатларнинг нохолис тоифалари манфаатига хам номувофик ва зид келади.

Ўрта Осиё худудида турли-туман уруглар, кабилалар яшашган. Улар бир-бири билан, бошка халклар билан иктисодий-маданий муносабатда бўлганлар. Бизнинг давримизга етиб келган обидалар, топилмалар, битиглар, адабий ёдгорликлар кадим элат-уруглар авлодлари бўлмиш бугунги миллатларнинг барчасига баробар меросдир.

Махмуд Кошгариининг «Девону Луготит турк» асари, Юсуф Хос Хожибининг «Кутадгу билиг», Ахмад Юғнакийнинг «Хибат ул-хакойик» достонларидағи кўшиклар ва шеърлар жуда кўп ибратли гоялар, етук фикрлар билан йўғрилган. Биз бу китобларнинг маърифий-эстетик томонларини кадрлаган холда, улар ўша жамиятнинг маҳсули эканини, уларга мухитнинг таъсири бўлганини хам унутмаймиз. Шунингдек, бу мероснинг хамон фойдали эканини, гоялари умумбашарий кадриятлар эканини эътироф этамиз.

Ўтмишдаги туркийларнинг, ўзбекларнинг катта маданий мероси юксак умуминсоний гоялари туфайли мўътабардир. Ватанимизнинг кўп миллатли, ягона оиласидаги адабиётлари ана шундай зайнларда шаклланиб келганлар.

Кадимда ўз яшаш табиатига, маданиятига, адабиётига эга бўлган турлий халкларнинг катга бир авлоди — ўзбеклар. X — XI асрларга келиб ўзбек элатининг этник чегараси аниклашди, туркий адабий тил асосида унинг тили баркарорлашиб, маданияти бекиёс ривожланди.

Инсониятга бебаҳо маънавий манфаат багишловчи фазилатлари Алишер Навоий ижодиётини жаҳон микёсига кўтарди. Улуг ўзбек мутафаккири ўзининг тинимсиз ижтимоий-сиёсий фаолиятида, серкирра ижодининг гоявий-бадиий юксак даражада битилган дурдоналарида кишиларни одамийлик, аклий камолот, тинч-тотув яшаш,

биродарлашиш сари чакирди. Адолат, халкпарварлик ва ватанпарварликни улуглади. Халкларнинг тенг, ахил, тўқ-фаровон хаёт кечирадиган замонлар хакидаги орзуларини тараннум этди. У тузумнинг тож-тахт курашларини, бехуда кон тўкишларни, бой-амалдорларнинг кирдикорларини аёвсиз коралади.

Навоий халклар дўстлигининг оташин куйчиси эди. Иккитагина фактни тилга олиш билан чекланамиз. Шоирнинг «Хамса»си—беш достонига кирган «Садди Искандарий» хамда «Фарход ва Ширин» достонларида эл-юртлар кардошлиги гояси XV аср ўзбек халкининг идеалини мукаммал ифода килади. Навоий Садди Искандарийга — адолатли шоҳ Искандар курдирган деворга катга рамзий, хаётий-эстетик маъно юклайди. Бу девор—душман хужумини тўсувчи, осойишталик истаган халкни ўз панохида асрорчи девор. Уни дунёнинг турли бурчакларидан келганлар: Европа, Франция, Рум, Шом, Хитой, Рус мамлакатларининг вакиллари курадилар. «Фарход ва Ширин» асарида халклар дўстлиги руҳи хитойлик йигит (Фарход)нинг, арман кизи (Ширин)нинг, уларга садокатли эронлик каҳрамон (Шопир)нинг хаёли, орзуси, муносабатлари, саъй-харакатлари мохиятини белгилайди.

Кўплаб ёркин мисолларни ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги йирик намояндадари асарларидан хам келтириш мумкин. Бобур, Увайсий, Нодира ва бошка талант сохиблари ижоди халк тарихининг маълум сахифаларини кўз ўнгимизда бутун мураккаблиги билан гавдалантиради. Мукимий, Фуркат, Завкий, Аваз Ўтар сингари демократик адабиёт арбобларининг ижодлари эса янада янгича даврнинг характерли белгиларини ўзларида бадиий мужассамлаштирган. Уларнинг асарларida маърифатни, ватанпарварликни, халклар ўртасидаги маданий алоказаларни шарафлаш гояси замонасининг илгор кайфиятига монанд янгради. Улар эскилил саркитларини, миллатни ўстирмовчи иллатларни, реакцион мағкуруни, инсонни маънавий кашшокликка маҳкум этувчи жохилиятни хажв килдилар. Демократик адабиётнинг каҳрамони ўз даврининг социал-сиёсий фаол кишиси, илгор турмуш томон интилаётган ва рус меҳнаткашлари билан дўстликка хайрихox ўзбеклар бўлди.

Миллатдаги тафаккур, дард-фазилат, ўзгариш, ирода, янгилик, курашчанлик ва яратувчанлик, аввало, унинг адабиётида акс этади. Факат кенг меҳнаткаш омма манфаатини кўзловчи адабиёт халк тарихи хамда тимсолини чукур миллий, чукур умуминсоний гоялар негизида ёритиб бериш мумкин. Шундай сўз санъатигина ўз маҳсули билан асрлар оша халкларга, элатларга йўлдош бўлиб яшайди. Маданий ва маънавий хаёт келажаги учун мустахкам пойdevор вазифасини бажаради, тараккиётга хизмат килади.

Буюк ёзувчи Гоголнинг куйидаги фикрлари характерлидир:

«Хакикий миллийлик рус кийимини тасвирлашдан иборат эмас, балки халк руҳидан иборат. Хатто тамом бошка бир дунёни тасвирловчи шоир хам миллий шоир хисоблана олади. Бунинг учун у ана шу дунёга ўз миллий хислари назаридан, ўз халкининг кўзлари билан караши керак, у шундай хис этиши ва гапириши керакки, унинг ватандошлари худди ўzlари хис этаётган ва гапираётгандек хис этсинлар».

Миллий спецификанинг шаклланиши, ўзгаришлари ва янгиланиши аввало миллий

характерда чукур мужассамлашади. Миллий характер миллийлик таркибида хамма вакт мухим ва салмокдор ўрин эгаллайди. Шунинг учун у миллийлик категорияси билан баравар тасаввурга келади, хис килинади, Г. И. Ломидзе ўзининг «Миллий характер проблемаси» номли маколасини «Миллий характер тушунчasi миллий спецификациинг таркибий алементи саналади» деган фикр билан бошлаганида жуда хакли эди.

Характер миллийликни диалектик изчил, тарихан аник, психологик хакконий ва тараккиётда намоён килади.

Миллий характер кўп асрлар мобайнида бетўхтов шаклланади. Унинг яралиш ва ривожланиш даражасини жамиятнинг модаий-ижтимоий, сиёсий-маданий, ахлокий-эстетик тарзи белгилайди. Хар бир даврнинг ва мухитнинг шундай белгиларига караб, унинг тарихи турлича мураккабликда кечади. Мунтазам ўсиш жараёнида айrim сифатлар миллий характерга мустахкам сингишади, илгор жихатлар билан маҳдуд туйгу ва тасаввурлар курашади.

Чинакам миллий характер хар доим халкчил ва замонавий бўлади. Унинг халкчиллиги ўз миллати манфаатига мослик даражаси билангина эмас, кишилик тараккиётига тескари келмаслиги, кардош халклар кўнглига монандлиги, улар хаёти ва тафаккурига баҳра бериши билан хам баҳоланади. Миллий характернинг замонавийлиги миллат спецификасида «йўлбошлиқ» килишидагина эмас, балки ўз халки ифтихорини самимий намоён әтиши оркали юксакликка кўтарилиган байналмилаллигида хам кўринади. Шундай фазилатлари туфайли характернинг миллий ва халкаро доирада мавкеи, яшовчанлик руҳи ортади. Миллий характер шароитга тобе элемент бўлиб колмайди, уни яратади ва ўзгартади.

Миллий характернинг даврда тутган ўрни, ижтимоий, сиёсий, ахлокий-эстетик киммати унинг умумбашарий ахамияти билан ўлчанади. Буларсиз характер хатто ўз миллатининг такомили учун хам хизмат кила олмайди, маҳдуд, пассив ва келажакдан маҳрум нарсага айланиб колади. Айни пайтда муштараклик пафоси миллий ўзига хослик ва характерсиз мавжуд бўла олмайди. Байналмилал характер хамиша миллийдир. Маълум халк илгор характерининг белгиларини миллий ва умуминсоний деб, арифметик равишда ажратиш мумкин эмас. Харакат ва дунёкарашнинг баъзи кўринишларини миллий, баъзиларини эса ўзгача деб катъий чегараловчи классификация тузиб бўлмайди. Хакикат шундаки, уларни бир-бираидан йирокдаштириб ёки 5жка-якка холда тасаввур килиб бўлмайди. Улар биргаликда яхлит жараённи ташкил этади.

Юкоридаги фикрлардан аён бўладики, ўзига хос анъаналар билан умуминсонийликнинг конуний бирлигини, миллий характернинг ижтимоий шароитга boglik тараккиёти билан унинг кишилик тарихидаги ролини адолатли идрок килмай туриб, сўз санъати фазилатларини, ижодкор ёки бадиий асар қаҳрамонлари туйгуларини анализ килиш ўринисиз.

Адабиёт халкнииг хаёти, тафаккури, фаолияти, максадларини, жамиятнинг социал-сиёсий масалаларини бадиий зухур этади. Унинг тасвир объектида миллийлик ва байналмилаллик диалектикаси энг асосий категориялар бўлиб саналади. Адабиётда хам

улар доимо бирга ривожланиб борувчи, бирини иккинчисидан устун күйиб бўлмайдиган, бир-бирини бойигувчи жараён.

Адабий қаҳрамон бирон жамиятда яшовчи ҳалкнинг зехни, дунёкараши ва киёфасини белгиловчи миллий характерни гоявий-бадиий инъикос этади. Жамиятда айнан бир шахс индивидуаллиги баробарида миллий характернинг кўриниши бўлгани каби, бадиий образ хам индивидуал ва ўз ўрнида миллий характер бўлиб гавдаланмоги керак.

Миллийлик ва байналмилаллик адабиёт кашф этадиган қаҳрамонларнинг характерида ёркин ифодасига эга бўлади. Адабий қаҳрамон бу ҳакикатни тарихий, ижтимоий, махаллий жихатдан конкретлаштирувчи ўзак элементлардан. Миллийлик қаҳрамоннинг ҳаракат, дунёкараш тарзида, психологияси, одатлари, хулк-атвори ва бошка томонларида вужудга келиб, иккинчи жихат шу асосдан униб чикади. Миллийлик бадиий образнинг асоси ва манбаидир. Образнинг бадиий эстетик баҳоси, инсониятга тегишли пафоси унинг ўкувчини маънавий озиклантирувчи, рухлантирувчи ва ишонтирувчи миллий киёфасига boglik.

Қаҳрамон характерининг миллийлик даражаси унинг ҳалк руҳига, хаёт ҳакикатига, тараккиётнинг етакчи тенденцияларига мос келишидан ва замонавийлигидан кидирилади. Бундай ҳусусиятлар санъаткорона сингдирилган бадиий асаргина умуминсоний фазилатлар билан тўлик бўлади. В. Г. Белинский Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» романига шу номли макола багишлаб, вокеликнинг, жамият қишилари характерининг унда кандай тасвиrlанганини ана шу жихатдан чукур анализ килган эди. Белинский фикрича, романдаги Максим Максимич образи «соф рус типи» экани, юксак бадиий тарзда яратилганлиги билан Вальтер Скотт, Фенимор Купер яратган энг яхши ҳарактерларни эсга солса-да, янги қашфиётлиги, соф рус руҳидалиги ва ҳусусиятлари билан такрорланмасдир. Буюк танқидчи табиат берган ҳарактерни унинг ўз замонасидаги мавжуд шароитда тўла гавдалантиришни ёзувчи зиммасида турувчи катга вазифа деб кўрсатади, «Азамат билаи Қазбичнинг ҳарактерлари, — деб ёзади у романдаги черкес хадки вакиллари ҳакида, — шундай типлардирки, улар русга кандай тушунарли бўлса, инглизга хам, немисга хам, французга хам шундай тушунарлидир. Фигураларни ўз миллий киёфасида ва миллий либосида тўла гавдалантириб чизиб бериш деб ана шуни айтадилар!...».

Турли мамлакат ҳалклари миллий ҳарактерлари улар адабиётининг том маънодаги реал қаҳрамонларидир. Дунё адабиётининг қаҳрамонлари — хилма-хил миллат ва элатларга мансуб қишилар. Улар адабиёт сахифаларига бетакор ва юксалишда бўлган ўз миллий киёфалари, дард-изтироби, ишқ ва шодлиги, руҳияти, тафаккур тарзи, ҳаракатлари билан кириб келадилар. Хар кайси миллий қаҳрамон ўзида қадим замонлардан бери алоҳидалашиб келган, у ёки бу даражада ривожланаётган ҳалкининг киёфасини, мамлакатда тутган мавкеини намойиш килади.

Шундай экан, миллатлар адабиёти қаҳрамонларининг умуминсоний туйгуси ранг-баранг миллий ҳарактерлар оркали юзага чикади. Хар бир қаҳрамон ҳарактер илдизлари тўппа-тўғри унинг ўз миллийлигига бориб такалади ҳамда ўзига хос кўринишларда таркиб топади. Унинг белги-хислатлари ифодаси миллий қаҳрамон табиатида

бошкаларнинг тақрори ёхуд нусхаси бўлиб колмайди, балки ўзлигининг мавжуд тасвиридан иборат бўлади. Унда байналмилаллик билан миллийликнинг зич диалектикаси ўзаро тўла-тўкис сингишган холда аник кўринишлар беради.

Кўп холларда қаҳрамон характеристининг миллийлиги сифатида барча ҳалклар табиатида мавжуд туйгулар, фазилатлар (масалан, саховат, ватанпарварлик, бурч, садокат, меҳмондўстлик, болажонлик каби) тадқик килинар экан, бир хил йўналишдаги кўидагича саволлар пайдо бўлади: бу тушунчалар бошка миллат кишиларига бегонами? Булар образнинг умуминсонийлиги бўлса, унинг миллийлигини кандай тушуниш керак?... Бундай саволларнинг кўйилиши тахлил килинаётган қаҳрамон характеристининг оригиналлиги ёки, умуман, миллийликка шубха билан караш оқибатида тугилган бўлса, тўгри бўлмайди. Чунки масалани шу хилда тасаввур этиш миллийлик ва байналмилаллик диалектикасини космополитик англашга, миллий фарқдарни гаразлй баҳолашга олиб келади. Агар саволлар ўша умумий тушунчаларнинг аник миллий белгиларини, уларнинг ўзга миллатлардаги кўринишларига киёсни, ёзувчининг шу томонламай кўрсатган маҳоратини кўзда тутса, уларни объектив хисоблш мумкин. Гап бутун инсониятга хос туйгу, фазилат ва тасаввурларнинг кайси ҳалк характеристида, кай холда ва кандай намоён бўлишида. Миллатнинг ўта алоҳида белгилари каторида унинг умуминсоний жихатлари хам хамма вакт миллийдир. Миллийлик байналмилал аҳамияти билан баркарор бўлгани каби, байналмилаллик хам конкрет миллий заминдан кувват олади. Жуда умумий тушунчаларни маълум миллатнинг бутунлай ўзиники килиб кўрсатиш хам жиддий хатодир. Факат унумаслик керакки, улар ҳар миллийликда ҳар хил кўринишларига, ифода тарзларига эга бўлади. Миллий замин уларга кўшимча маънолар беради, уларнинг мантишни бойитади ва кенгайтиради. В. Г. Белинский биз юкорида тўхталган маколасида Максим Максимич характеристининг хислатларини унинг ҳарбийча хитобарида, арок ичишларида, тамаки чекишларида эмас, «балки мухитдаги нарсаларга ўз малакасидан ва турмуш тарзидан хосил бўлган назари билан карашида ва мухитдаги нарсаларга карашининг хамда одатининг мукаррар натижаси бўлган шу тарздаги ҳаракат ва сўзларида» кўрадики, бу ўринда хам гап умуминсонийликнинг миллий намоён бўлиши тўгрисида боради.

Кишилик тарихининг муайян ижтимоий, иктисадий, сиёсий шароитлари муштараклик туйгусини ўзига хос, бетакрор намоён килади. Бу туйгу мухитлари, манфаатлари, ҳаракатлари бир-бирига мос келаётган ҳалкларнинг маънавий савияси ифодаси сифатида жилоланади. Унинг бутун моҳият-эътибори чегара билмайди. Ватаннинг кардошлиқ оиласи доирасида колиб кетмайди. Зоро, бир мамлакат ҳалклари ўз миллий заминларида мустахкам тургани холда муаммолари, ташвиш-дардлари, интилиш самараларига кўра хамжихатликни бошларидан кечирав эканлар, бу нарса дунёдаги биронта ҳалк меҳнаткашларнинг манфаатига зид бўлиб тушмайди. Аксинча, бу жараён замирида жаҳондаги хамма ҳалкларнинг прогрессив интилишларига, истикболига самимий хайрихонлик, хурмат ва эъзоз ётади. Бошкаларни билмокка кизикиш, уларга хавас билан караш, якинлашишга эҳтиёж сезиш миллий ифтихордан узоклашиш, айрилиш ёки уни умумлаштириб юборишни англатмайди. Муштараклик туйгуси миллий ўзига хосликлар, ҳарактерлар негизида кад кўтаради.

Муштараклик туйгуси миллий адабиётлар учун айрича мавзу ёки муаммо, образлар

тасвири учун бадиий восита ёки кўшимча белги эмас. Шунингдек, у миллат характеридан тасодифий холатлар, вазиятлар танлаш ва қахрамонни ўзга халклар вакиллари орасида кўриш деган маънога хам олиб келмайди. Характернинг миллийлигидан, миллий гуур ифтихоридан бироз бўлсин чеккада ифодаланиш муштараклик туйгусига бутунлай ёт. Унинг манбаи — миллий қахрамон характерининг рухи, виждони, эркин гражданлик масъулияти, килган ва килмокчи бўлган эзгу ишлари... Бутуйгу («Очилган кўрик», М. Шолохов)ни кишлоқда одилона турмуш куриш ишига бошлайди. У Дон бўйидаги Гремячий Лог хуторига келади. Мехнаткашларнинг оромини ва янги хаёт барпо этиш режаларини бузайдиган душманларнинг тор-мор килиниши йўлида жонини аямайди. Курашиш ва меҳнат килишнинг рус характерига хос хакикий намунасини кўрсатади. Кондрат Майданников, Нагульнов ва бошка казаклар Давидов таъсирида рухан ўсадилар. Ч. Айтматов қахрамонлари киргиз миллий заминида харакат киладилар. Улар ўз мухити, психологияси, харакати, ўй-хаёли, ўтмиши ва бугуни билан канчалик миллий бўлсалар, шу даражада мамлакат кишиси, ватанпарвари бўлиб гавдаланишади.

Р. Файзийнинг «Хазрати инсон» романида муштараклик туйгуси ўзбек халки вакилларининг фронт ортидаги фидокорона хаёти ифодасидан, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, болажонлик каби умумбашарий фазилатларнинг халкимиз кўрсатган тарихан машхур намунаси тасвиридан балкиб чикади. Махкам ака билан Мехринисо етим колган ўн беш болага ота ва она бўлишади. Турли миллат фарзандларини чексиз меҳр, чексиз самимият билан ўз панохларига олишади. Хамма миллат боласи —одам боласи, одамни одамдан ажратмаслик керак, дейди Махкам ака. Улар болаларининг омонлиги, келажаги ташвишида тиним билмайдилар. Ўзларида чинакам гуманизмни, халклар дўстлиги камоли ва кудратини намойиш киладилар. Романинг байналмилал туйгулари бош қахрамонлар теграсидаги Абдухафиз, Исмоилжон, Кодирхўжа, Муборак, Иван Тимофеевич каби образлар туфайли янада тўлишади. Тасвирланган воеа ва қахрамонларнинг тарихий асосга эгалиги, асарда Йўлдош Охунбобоев хамда Усмон Юсупов сиймоларининг гавдаланиши даврнинг мохиятини ўкувчи кўз олдида тагин хам реаллаштиради.

Муштараклик туйгуси навкирон грузин йигити Автандил Жакели («Кўркманг, онагинам», Н. Думбадзе) характерининг бутун борлигини курсаган. Якинларига, грузинларига ва диёрига бўлган меҳр унда Ватанга мухаббат билан табиий пайвандлашиб кетган. Ватан чегаралари унинг иштирокисиз хам химоясиз колмаслиги Автандилга тушунарли. Лекин у ўзининг такдирини, хаётда мавжудлигини шу бурчиз тасаввур кила олмайди. У енгил-елпи яшаб, ватанпарварликни юзаки фаолиятда, курук романтикада ва соҳта нуткларда ифода килмокчи бўлганларга карши. Мамлакат сарҳадларини кўриклаш шу маънода Автандил учун асл грузинлигини, ота-боболарнинг эзгу одатларига содиклигини, калbdаги она-Ватан туйгусининг муқаддаслигини хам химоя килмок демакдир. У биладики, мамлакатларнинг чегараси бор, кардошлиқ ва меҳр-окибатнинг эса чегараси йўқ. Туркия территориясида бошланган кучли ёнгинни ўчиришда ўз чегарачиларининг мардана ёрдами, икки Ватан кишиларининг оғир дамлардаги ахиллиги Автандил калбига ажиб туйгулар олиб киради. Унда бу мамлакатларни бир-биридан ажратиб турган нарса колмагандек туюлади.

Шундай килиб, қахрамон характерида миллий ва байналмилал асослар бир-бири билан ижтимоий-психологик жихатдан нихоятда жипслashiб, уйгунлашиб кетган бўлади.

Чинакам миллий кахрамон табиатида бу бирлик етакчи роль ўйнайди ва образнинг ахамиятини таъминлайди. Бундай хусусиятлардан маҳрум бўлган, ўткинчи, зарарли маҳаллий элементлар атрофида маҳдудлашган кахрамон хатто миллий доиранинг ўз ичидаги узок яшамайди.

Миллий ва муштарак асосларнинг белгиларини аниклаш, ўзига хослигини тасаввур килиш мумкин бўлса-да, уларни мазмунлари йирок икки категорияга ажратиб юбориш, рўйхатлаштириш мумкин эмас. Умумисоний тушунчаларнинг миллий вое бўлиши, ўта миллий белгиларнинг умумисонийлиги, анъанавий карашларнинг янгилик билан кўшилиб кетиш ходисалари миллий кахрамон характеристида хаёт мантиги ва оқимида мос мураккаб бўлишини унутмаслик керак.

Вокеликнинг бор хакикатини ўз миллийлигига реалистцк намойиш этганлиги туфайли адабиётлар, уларнинг кахрамондари бир-биридан фаркланиб туради, хар кайсиси ўзича оригинал бадиий-эстетик киммат олади. М. Шолохов, Ч. Айтматов, М. Аvezov, Ў. Сулаймон, М. Жумабоев, С. Сайфулин, В. Лацис, О. Гончар, Р. Хамзатов, М. Турсунзода, М. Иброхимов, Б. Кербобоев, Н. Думбадзе, А. Кодирий, Чўлпон, Хамза, У. Носир, Ойбек, Э. Вохидов ва А. Орипов каби турли миллат адибларининг ижодлари шундай хислатларга конлиги учун бири иккинчисини такрорламайди ва айни пайтда умумбашарийлик мезонлари талабларига мос келади.

Адабиёт кахрамони миллийлиги тушунчаси характеристинг маънавий дунёсида, хаётга караш тарзида, характеристика миллий хусусиятларнинг шунчаки мавжудлиги ва сакланиб колаётганини билдирамай, уларнинг бетиним ўсиш жараёнини хам ўз ичига олади.

Миллий прогресснинг характеристида канчалик акс этиши эса адабиётнинг вокелик, халк хаёти ва долзарб проблемалар билан муносабат хамда хамнафаслик даражасига боғлик, албатта. Айтиш керакки, миллийликнинг халкчил, замонбоп чизилишида ёзувчининг истеъододи хал килувчи ахамиятга эга. Санъаткор асарида миллий рух сюжет ва гоялар вое бўлишининг табиий шарти, бosh заруратидир.

Хулласки, кахрамон характеристининг барча кирраларини тарихан конкрет тадқик килмок лозим. Инсонда ўй, хислат, туйгу, кураш, меҳнат, неки характеристика бўлса, хаммаси хар хил шароит ва вазиятда турлича хаётий кўринишга эга бўлади. Бадиий асар образи —биринчи навбатда, ўз жамиятининг, даврининг, мухитининг кахрамони. Унинг яшовчанлик даражаси, гоявий-эстетик ахамияти хам, аввало, ўзи мансуб бўлган замон кишилари характеристики типик кўрсата олиши, даврий ишончли масалаларни дадил кўтариб чикиши билан ўлчанади. Ва шундагина бундай кахрамон турли миллат-элат авлоддарининг иззат-эхтиромини козонади.

Тохир Шермуродов
1991 йил.